

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА НАДИРА ВИКТОРОВНА

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (Phd) по
экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Phd) on
economical sciences**

Юлдашева Надира Викторовна

Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усулларини такомиллаштириш3

Юлдашева Надира Викторовна

Совершенствование методов регулирования местных бюджетов27

Yuldasheva Nadira Viktorovna

Improvement the methods of regulation of local budgets51

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works.....55

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЮЛДАШЕВА НАДИРА ВИКТОРОВНА

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt730 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тошматов Шуҳрат Амонович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жўраев Абдуғаффор Сафарович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Сусанна Сейрановна
иктисодиёт фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» 03 кuni соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (880- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 03 кuni тарқатилди.
(2021 йил «12» 03 даги 13- рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ҳар бир мамлакат ҳудудларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти устувор даражада маҳаллий бюджетларни тартибга солиш масалаларининг қай даражада йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)нинг маълумотларига кўра, «ҳар йили маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг муҳим усули сифатида уларнинг харажат мажбуриятлари ижросини таъминлаш мақсадида жами харажатларнинг ўртача 20 фоиз миқдордаги маблағлар қайта тақсимланади. Бу кўрсаткич Данияда 26,5 фоизни, Австрия ва Белгияда 18,0 фоизни, Эстония ва Нидерландияда 17,0 фоизни, Польшада 15 фоизни ва Италияда 14,0 фоизни»¹ ташкил этади. Шу нуқтаи назардан халқаро амалиётда маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳамда молиявий жиҳатдан мустақиллигини оширишда уларни тартибга солиш усуллари такомиллаштириш ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Жаҳон миқёсида маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатларини баланслаштириш мақсадида уларни тартибга солишнинг самарали механизмини шакллантириш бўйича кенг кўламда изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда маҳаллий бюджетлар даромад базасини шакллантириш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджет харажатлари манзиллилиги ва мақсадлилигини таъминлаш, ижтимоий трансфертлар ажратиш, бюджет бўғинлари ўртасидаги молиявий муносабатларни тартибга солиш каби масалалар асосий ўринни эгаллайди. Бироқ, маҳаллий бюджетларни тартибга солиш, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромад ва харажатлар ваколатларини тақсимлашнинг самарали тизимини шакллантириш, айрим ижтимоий ва иқтисодий харажатларнинг номарказлашувига оид турли хил ёндашувлар билан боғлиқ муаммолар бугунги кунга қадар ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштиришда ўз даромадларининг етишмаслиги оқибатида уларнинг юқори турувчи бюджетларга қарамлигининг сақланиб қолиши ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари самарадорлигига салбий таъсир этмоқда. Шу нуқтаи назардан «харажатлар ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетлар даромадини мустаҳкамлаш бўйича бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш»² вазифасининг белгиланганлиги ушбу масалага янада ойдинлик киритади. Чунки, бундай шароитда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларининг жадал

¹ OECD Fiscal Decentralisation Database https://www.oecd.org/ctp/federalism/fiscal-decentralisation-database.htm#A_1

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 1-илова.

ривожланишини таъминлаш, инфратузилмани яхшилаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маҳаллий бюджетларни улар харажатлар мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида тартибга солиш масалалари алоҳида долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сон «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 17 августдаги ПФ-5515-сон «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 7 июндаги ПҚ-3042-сон «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида», 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида кўплаб иқтисодчи-олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, маҳаллий бюджетларнинг молиявий асослари, маҳаллий бюджетларни тартибга солиш масалалари хорижий иқтисодчи-олимлардан Ж.Бодэн, Т.Гоббс, Ж.Жусти, Дж.Локк, У.Петти, А.Смит, А.Шумпетер, З.Берд, Р.Баудвей, А.Бабич, Г.Барабашев, С.Галицкая, А.Годин С.Гурумурти, А.Игудин, В.Лексин, Ж.Ма, Р.Масгрейв, У.Оутс, А.Улюкаев, А.Швецовлар томонидан тадқиқ этилган³.

³ Боден Ж. Шесть книг о государстве. История политических и правовых учений. Хрестоматия. Белгород, 1999. – 134 с.; Гоббс Т. Левиафан, или материя, форма и власть государства церковного и гражданского // Сочинение в 2 томах. – М.: Мысль, 1991. – 182 с.; J. Justy System of public finance // Early Economic Thought. Ed. by A. Mongoe. Cambridge, 1927; Локк Дж. Некоторые соображения о последствиях снижения процента и роста стоимости денег (1692); Петти У. Трактат о налогах и сборах. Verbum sapienti – слово мудрым. Разное о деньгах. – М.: Ось-89, 1997; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Изд-во социально-экономической литературы, 1962.; Шумпетер Й. История экономического анализа. – Тамб.: СПб, 2001. – 238 с.; R. Bird, R. Boudway Financing local Government in OECD Countries: The role of local taxes and user Charges. Amsterdam, 1997; A. Junaid and R. Bird Rethinking Decentralization in Developing countries / Washington. D.C.: The World Bank, 2003; Бабич А.М и др. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. – М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2012. – 703 с.; Барабашев Г. Муниципальные органы современного государства (США, Великобритания). – М.: Изд-во Моск. ун-та, 1971. – 282 с.; Годин А., Горегляд В., Подпорина И. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – 628 с.; Галицкая С. Теория и практика бюджетного федерализма. – М.: Экзамен, 2002. – 128 с.; Gurusurthi S. Intergovernmental Fiscal Relations: Three faces of tax sharing economic and political weekly, Vol. 33, No. 35,

Маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўзбек олимларидан А.Вахобов, А.Жўраев, Ж.Қўчқоров, Х.Қурбонов, Х.Қобулов, Т.Маликов, А.Маманазаров, О.Олимжонов, Ш.Тошматов, Қ.Тожибоева, Н.Хайдаров, А.Хайриддиновларнинг илмий ишларида ёритилган⁴. Жумладан, А.Исламкуловнинг тадқиқот ишида бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш, Л.Хазраткуловнинг ишида бюджетлараро муносабатлар самарадорлигини ошириш усуллари таклиф этилган⁵.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан, маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари такомиллаштириш масалалари комплекс таҳлил этилмаганлиги ушбу йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодий модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Рр.2301-2307; Игудин А. К межбюджетным отношениям в субъектах федерации // Финансы. 2004. №7. Лексин В и др. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. – М.: Едиториал УРСС, 1997. – 372 с.; Ma J. Intergovernmental Fiscal Transfer a Comparison of nine Countries Macroeconomic Management and Policy Division Economic Development Institute The World Bank 1997; Масгрейв Р.А. Государственные финансы: теория и практика: – М.: Бизнес Атлас, 2009. – 716 с.; Oates W. Fiscal federalism // 1985 Searching for Leviathan: An Empirical Study. American Economic Review 75: Pp.748-757; Улюкаев А. Проблемы государственной бюджетной политики. – М.: «Дело», 2004. – 543 с.; Швецов А. Экономические ресурсы муниципального развития: финансы, имущество, земля. – М.: «Едиториал УРСС», 2002. – 200 с.

⁴ Вахобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений. – Т.: Молия, 2002. – 239 с.; Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: Фан, 2004. – 242 б.; Кучкаров Д. и др. Местные бюджеты через призмы проблем // Экономическое обозрение. – Т.: 2004. №6. – С.4; Курбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Иқт. фан. ном. ил. дар. ол. уч. тақ. эт. дисс. автор. – Т.: БМА, 2010. – 24 б.; Қобулов Х.А. Худудий иқтисодий ва маҳаллий бюджетлар имкониятларини ошириш йўналишлари. Иқт. фан. ном. ил. дар. ол. уч. тақ. эт. дисс. автор. – Т.: 2006. – 23 б.; Маликов Т.С., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати. Монография. – Т.: Академнашр, 2011. – 471 б.; Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджет ва солиқ. Монография. – Т.: Marifat-madadkor, 2001. – 120 б.; Олимжонов О.О. Иқтисодий мустақиллик ва солиқлар // Ҳаёт ва иқтисод. – Т.: 1992. 2-сон. – 11 б.; Тошматов Ш.А. Ўзбекистон Республикасида молия тизимининг конституциявий асослари // Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланиши: миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Akademiya, 2018. – Б. 60-64.; Тожибоева Қ. Пути формирования и совершенствования доходной и расходной частей местных бюджетов Республики Каракалпакстан. Автор. дисс. ...канд. экон. наук. – Т.: 2004. – 22 с.; Хайдаров Н.Х. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Академия, 2005. – 128 б.; Хайриддинов А.Б. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларининг барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқт. фан. ном. ил. дар. ол. уч. тақ. эт. дисс. автор. – Т.: 2009. – 24 б.

⁵ Исламкулов А.Х. Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш. Иқт. фан. ном. ил. дар. ол. уч. тақ. эт. дисс. автор. – Т.: Академия, 2020. – 72 б.; Хазраткулова Л.Н. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Иқт. фан. ном. ил. дар. ол. уч. тақ. эт. дисс. автор. – Т.: Академия, 2020. – 70 б

маҳаллий бюджетларни тартибга солиш, унинг усуллари, шакллари, тамойилларининг иқтисодий моҳиятини илмий-назарий тадқиқ этиш ва тавсифлаш;

маҳаллий бюджетларни тартибга солиш бўйича илмий-назарий қарашларни қиёсий таҳлил қилиш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан баҳолашга имкон берувчи хулосаларни шакллантириш;

бюджетни тартибга солиш механизмига оид борасидаги илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва мамлакатимиз бюджет амалиётида улардан фойдаланиш имкониятларини асослаш;

маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда ҳар бир босқичда бюджетни тартибга солиш механизмларини тадқиқ этиш;

маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини шакллантириш ва жойларда давлат ҳокимияти органларининг харажат мажбуриятлари ижросини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг амалдаги механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда маҳаллий бюджетларни бюджет орқали тартибга солиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумманткий (индукция, дедукция, таҳлил ва синтез, аналогия, умумлаштириш) ва хусусий-илмий (таққослаш, гуруҳлаш, статистик таҳлил ва иқтисодий-математик) каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний шахсларнинг мулкни ижарага беришдан оладиган даромадидан тўланадиган солиқларни туман ва шаҳарлар бюджетига бириктириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси барқарорлигини таъминлаш асосланган;

ижтимоий нафақа харажатларини молиялаштиришни қуйи маҳаллий бюджетларга ўтказиш асосида амалдаги давлат бюджетининг таркибини қайта шакллантириш таклиф этилган;

ҳудудий молия органлари, адлия, пенсия таъминоти соҳаси, сув хўжалиги, малака ошириш марказларини сақлаш харажатларини маҳаллий бюджетларга ўтказиш орқали маҳаллий бошқарув ваколатларини кенгайтириш асосланган;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер остидан фойдаланганлик учун солиқлардан тушумларни маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий адабиётлардаги қарашлардан фарқли ҳолда «маҳаллий бюджетларни тартибга солиш» тушунчасига такомиллашган муаллифлик таърифи берилган;

маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари, шакллари, принциплари тизимлаштирилди ва тартибга солишнинг маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашдаги роли баҳоланган;

маҳаллий бюджетлар даромадлари таркиби белгилари ва йўналишига кўра гуруҳларга ажратилган;

маҳаллий бюджетларнинг баланслигини таъминлашда тартибга солиш усуллари такомиллаштириш орқали амалга оширишнинг зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган;

маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари такомиллаштириш орқали уларнинг даромад манбаларини мустаҳкамлаш ва харажат мажбуриятларини оптималлаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Тошкент вилояти молия бошқармасининг расмий статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлардан мамлакатимизда маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари такомиллаштириш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга бағишланган илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг кўламда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялар ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан маҳаллий бюджетларни тартибга солишга оид ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришда, маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жисмоний шахсларнинг мулкни ижарага беришдан оладиган даромадидан тўланадиган солиқларни туман ва шаҳарлар бюджетига бириктириш асосида маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги ПФ-5515-сон фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3644-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йилда туман ва шаҳар бюджетларига қўшимча равишда 125 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар уларнинг молиявий мустақиллигини оширишга йўналтирилган;

ижтимоий нафақа харажатларини молиялаштиришни қуйи маҳаллий бюджетларга ўтказиш асосида амалдаги давлат бюджетининг таркибини қайта шакллантириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-589-сон Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3644-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий бошқарув тизими ваколатлари кенгайиши асосида кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар сифати оширилган ва шаффофлиги таъминланган ҳамда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилган;

ҳудудий молия органлари, адлия, пенсия таъминоти соҳаси, сув хўжалиги, малака ошириш марказларини сақлаш харажатларини маҳаллий бюджетларга ўтказиш орқали маҳаллий бошқарув ваколатларини кенгайтириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3644-сон маълумотномаси). Натижада, 39 турдаги бюджет ташкилотларини молиялаштириш харажатларини маҳаллий бюджетларга ўтказилиши натижасида 1 млрд. сўм миқдоридаги бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига эришилган;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер остидан фойдаланганлик учун солиқлардан тушумларни маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги ПҚ-4086-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 25 ноябрдаги 06/04-02-01-34/3644-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида 2019 йилда туман ва шаҳар бюджетларига қўшимча равишда 250 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ўтказилган ва уларнинг даромад базаси барқарорлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 12 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий

мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, унинг мақсади ва асосий вазифалари, диссертациянинг объекти ва мавзуси белгиланган, Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги асослаб берилган ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга татбиқ этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

«Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллариининг илмий-назарий жиҳатлари» деб номланган диссертациянинг биринчи бобида амалдаги бюджет қонунчилиги доирасида маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг зарурлиги ва иқтисодий моҳияти очиб берилган, маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари мазмуни ёритилган ва ушбу соҳадаги илғор тажрибалар ўрганилган.

Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш тадбирларига оид илмий-назарий қарашлар тадқиқининг кўрсатишича, маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мустақиллигини оширишда бюджет орқали тартибга солиш биринчи навбатда эътиборга олинishi керак, чунки у бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари мутаносиблигини таъминлаш мақсадида улар ўртасида маблағларни қайта тақсимлашнинг энг муҳим механизми ҳисобланади. Шу муносабат билан маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг мазмуни ва моҳияти ҳамон иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинаётганини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Жумладан:

«бюджетлараро трансфертлар тизими орқали бюджет тизими бюджетларининг молиявий мувозанатини таъминлаш жараёни»⁶;

«юқори турувчи ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган жараён бўлиб, у бюджет таъминоти минимал зарур даражадан паст бўлган ҳудудий тузилмаларнинг бюджет бўғинлари кесимида вертикал тенглаштириш орқали рўёбга чиқарилади»⁷;

«ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, географик, табиий-иқлим шарт-шароитларидан келиб чиқиб, юқори турувчи ҳокимият органлар томонидан

⁶ Bird, R.M., Ebel, R.D., & Wallich, C.I. (Eds.). (1995) Decentralization of the socialist state: Intergovernmental finance in transition economies. The World Bank.

⁷ Рыбакова Р.Ю. Опыт перераспределения средств в Российской Федерации // Финансы и кредит, 20 (188) - 2005. – С. 37-39.

даромад манбалари ва харажат мажбуриятларини белгилаш асосида бюджетларни мувозанатлаштиришни амалга ошириш жараёни»⁸;

«худудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига йўналтирилган худудлар бюджети даромадларининг минимал зарурий даражасини таъминлаш мақсадида маблағларни қайта тақсимлаш тизими»⁹;

«минимал зарурий даражада бюджетларнинг даромад базасини тенглаштириш мақсадида турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромаларни тақсимлаш ва маблағларни қайта тақсимлаш жараёни»¹⁰;

«бир хил даражадаги бюджетлар доирасида ўзаро манфаатли вазифаларни ҳал этиш учун молиявий ресурсларни бирлаштириш мақсадида маблағларни қайта тақсимлаш»¹¹;

«бюджет жараёни иштирокчилари томонидан бюджет ҳуқуқларига риоя қилиниши шароитида даромад манбаларини бириктириш ва харажатлар ваколатларини тақсимлаш жараёни»¹²;

«бюджетлараро тартибга солиш тизими икки йўналишда амал қилиб, биринчиси, умумдавлат солиқлар ва йиғимларидан меъёрий ажратмалар ҳисобланса, иккинчи йўналиш молиявий тенглаштириш сиёсати бўйича берилган молиявий ёрдам шакллари ҳисобланади»¹³.

Маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг мазмунини ифодалашга оид келтирилган таърифлардан кўришича, улар маъно-мазмун жиҳатидан бир-биридан моҳиятан кескин фарқ қилмайди, дейишга асослар етарлидир. Чунки уларнинг барчасида маҳаллий бюджетларни тартибга солишнинг бош мақсади - баланслиликни таъминлаш, юқори турувчи ҳокимият органлари томонидан даромад манбалари ва харажат мажбуриятларини оптималлаштириш, молиявий тенглаштириш мақсадида маблағларни бюджет бўғинлари ўртасида қайта тақсимлаш эканлиги у ёки бу тарзда эътироф этилаяпти.

Юқорида келтирилган таърифларни қиёсий таҳлил қилиш ва тадқиқ этиш асосида шаклланган фикримизга кўра: бюджет сиёсатининг қонун билан белгиланган ўзига хос механизмлари орқали амалга ошириладиган бюджет тизими бюджетларининг мутаносиблигини таъминлаш жараёнига бюджетни тартибга солиш дейилади. Лекин, бюджет орқали тартибга солишнинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш жараёнида унинг янги белгилари ва хусусиятлари юзага чиқиши мумкин.

⁸ Петрова Е.А. Регулирование местных бюджетов в нефтедобывающих регионах. Автор. дисс. на соиск. уч. ст. канд. эк. наук. – Екатеринбург: УМЦ УПИ. 2006. – С. 8.

⁹ Поляк Г.Б. Бюджетная система Российской Федерации. – М.: ЮНИТИ, 2001. – С. 89.

¹⁰ Романовский М.В. Бюджетная система Российской Федерации. – М.: Юрайт, 1999. – С. 54.

¹¹ Каюмов У.Ш. Совершенствование инструментов оптимизации межбюджетных отношений в Республике Таджикистан. Дисс. на соиск. уч. ст. канд. эк. наук. – Душанбе: Институт экономики и демографии академии наук. 2018. – С. 17.


¹² Вахобов А.В., Жамолов Х.Н. Согласование межбюджетных отношений: Учебное пособие. – Т.: ТФИ.: 2002. – С. 239.

¹³ Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Иқт. фанл. ном. ил. дар. ол. уч. ёз. дисс. – Т.: ТДИУ, 2010. – Б. 23.

Бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромад манбаларини шакллантириш бўйича ваколатларнинг тақсимланишини оптималлаштириш вазифаси, асосан, бюджетни тартибга солиш усуллари ёрдамида ҳал этилади. Маҳаллий бюджетларни бюджет орқали тартибга солиш маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллигини мустаҳкамлашни назарда тутди ва қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини мувозанатлаштириш (баланслаштириш); ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари - бюджетни тартибга солиш механизмларининг бир қисми бўлиб, долзарб ва кам ўрганилган муаммолардан бири ҳисобланади.

Бюджетни тартибга солиш жараёнининг иқтисодий моҳиятини аниқлашга бўлган ёндашувни қуйидаги расм асосида ифодалаймиз (1-расм).



1-расм. Бюджетни тартибга солишни амалга ошириш механизмлари¹⁴

Кўплаб илмий тадқиқотлар кўрсатишича, аксарият мамлакатлар амалиётида бюджетни тартибга солишнинг қуйидаги турли усуллари кенг фойдаланилади: бириктирилган даромадлар; тартибга солувчи даромадлар; субвенциялар; дотациялар; субсидиялар; ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун турли хил фондлардан амалга ошириладиган трансфертлар; бюджет ссудалари ва кредитлари, шунингдек секвестр харажатлари.

Муаллифнинг фикрича, қўлланиладиган усуллардан қатъи назар, бюджетни тартибга солиш усуллари иқтисодий мақсади таркибий қисмларнинг умумийлиги, хусусан, молиявий ресурсларни шакллантириш,

¹⁴ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бюджет тизими бўғинлари ўртасида молиявий оқимлар тартибини белгилаш, бюджет тизими даражалари бўйича молиявий оқимларнинг муносиб тақсимланишини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Боз устига, олиб борилган тадқиқотлар тартибга солишнинг турли усулларида комплекс ва биргаликда фойдаланилганда самарадорликка эришилишини кўрсатмоқда. Юқорида баён этилганлар бюджетни тартибга солишнинг самарали механизмини яратиш вазифасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида бюджетни тартибга солишнинг ҳар бир усулини пухта ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг бюджет қонунчилигига асосланиб, маҳаллий бюджетлари даромадлари таснифи қуйидагича бўлиши керак (2-расм).

Ўз маблағларининг етишмаслиги маҳаллий бюджетларнинг бюджет базасини тўлиқ шакллантириш ва тартибга солишнинг бошқа механизмларига, хусусан, тартибга солувчи даромадларга мурожаат қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Республикадаги амалдаги бюджетни тартибга солиш тизимининг таҳлили бюджет тизимининг ҳар бир даражасига ўз солиқларини бириктириб қўйиш билан бирга, маҳаллий бюджетларга улуш ажратиш механизмини назарда тутувчи бюджетни тартибга солишнинг «Веер» моделидан фойдаланилишидан дарак беради.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромадлари тузилиши¹⁵

¹⁵ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2-расмдан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда бир бюджетдан бошқа бюджетга муайян мақсадда ёки мақсадни кўрсатмаган ҳолда маблағларнинг ўтказилишини ўзида ифодаловчи бюджетлараро трансфертлар муҳим аҳамиятга эга. Демак, бюджетлараро трансфертлардан фойдаланиш бюджетни тартибга солишнинг асосий мақсади бўлган маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган.

Хорижий тажрибани ўрганиш бюджет амалиётида умумқабул қилинган иккита усул фаол қўлланилишини кўрсатмоқда. Биринчи усул бюджетнинг ҳар бир даражасига солиқ солинадиган базаларни бириктириш ёки барча даромадларни сафарбар қилиш ва кейинчалик қуйи бюджетларга тақсимлаш тартибида даромад манбаларини бюджет тизимининг бўғинларига қараб тақсимлашни ўз ичига олади. Иккинчи усул эса бюджет тизими бюджетларининг юзага келадиган вертикал номутаносиблиги масалаларини ҳал қилишга қаратилган трансфертлар шаклида грантлар ажратишни ўз ичига олади.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларини тартибга солишнинг амалдаги усуллари таҳлили**» деб номланган иккинчи боби маҳаллий бюджетларни бюджет орқали тартибга солишнинг амалдаги усуллари, бюджетни тартибга солиш механизми трансформациянинг асосий тенденциялари, бюджет даромадларини шакллантириш билан боғлиқ бюджетни тартибга солиш усуллари, маҳаллий бюджетларининг харажатлар қисмини амалга оширишга хизмат қиладиган усуллар таҳлилига бағишланган, шунингдек, бюджетлараро трансфертларни ажратиш амалиётига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси бюджет сиёсатининг йўналишлари ва бюджет муносабатларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, фикримизча, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини фаоллаштиришни уч босқичга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари бўйича ўтказилган тадқиқотлар учта босқичнинг иккитасида бюджетни тартибга солишнинг «Веер» модели элементларидан фойдаланилганлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон бердики, у тартибга солувчи солиқларни маҳаллий бюджетларга бириктириш усуллари кенг қўллаш, бюджетлараро трансфертлар шаклларида фойдаланиш билан тавсифланади. Бу ҳолат маҳаллий давлат ҳокимияти органларида маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш учун зарур мотивация ва рағбатлантирувчи омилнинг йўқлиги, маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозларидан ортиқча тушумларни улар даромадларига бириктириш механизмидан фойдаланмаслик, маҳаллий бюджетларнинг бошқа даромадлари улушининг пастлиги билан изоҳланади.

Қуйидаги расмда республикада маҳаллий бюджетларни бюджет орқали тартибга солишнинг амалдаги усуллари ўзгартиришга кўмаклашадиган асосий шарт-шароитлар кўрсатилган (3-расм).



3-расм. Маҳаллий бюджетларни бюджет томонидан тартибга солиш усуллари ўзгартириш шарт-шароитлари¹⁶

Бюджет тизими ривожланишининг янги босқичи маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини таъминлаш ва молиявий номарказлаштириш масалаларида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколатларининг кенгайтириши билан изоҳланади. «2017 йилдан бошлаб даромадлар базасини мустаҳкамлаш, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш сиёсати доирасида маҳаллий бюджетларнинг нисбий кўрсаткичлари мутлақ кўрсаткичлар ошгани сайин сезиларли даражада пасая бошлади ва 2016-2020 йилларда тегишли равишда 44,9%, 46,3%, 23,0%, 30,3% ва 23,6 %ни ташкил этди»¹⁷.

Коэффициентли таҳлил усулидан¹⁸ фойдаланган ҳолда 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг даромадлар базасининг келтирилган миқдорий ва сифат хусусиятлари асосида амалдаги ҳолатига баҳо бериб, ўз даромадларининг республика маҳаллий бюджетларининг умумий даромадларига нисбати билан белгиланадиган мустақиллик коэффициенти (молиявий мустақиллик коэффициенти) фақат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджетларида кузатилганлигини қайд этиш зарур (Тошкент вилоятида – 0,5-0,6 атрофида, Тошкент шаҳрида – 0,8).

Шундай қилиб, «маҳаллий бюджет даромадларида ўз даромадларининг улуши» индикатори бўйича коэффициентни таҳлил қилишдан олинган


¹⁶Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁷Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқилган.

¹⁸Паздникова Н.П. Коэффициентный анализ устойчивости местных бюджетов. Вестник ПНИПУ. Социально-экономические науки. 2016. № 4. – С.180-193.

натижаларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий бюджетларини молиявий барқарорлиги ҳар хил бўлган 3 та гуруҳ бюджетлари бўйича таснифлашни таклиф қиламиз. Жумладан, ўз даромадларининг улуши 50-90 фоиз атрофида бўлган маҳаллий бюджетлар мутлақо барқарор, 40-50 фоиз атрофида бўлганлар – нормал, 10-30 фоиз атрофида бўлганлар – нобарқарор тоифасига киради.

Ўз даромадларининг паст кўрсаткичлари эса ўз ресурслари билан камроқ таъминланганлигидан ва юқори турувчи бюджетларнинг молиявий ёрдамига қарамлигидан дарак беради.



4-расм. Маҳаллий бюджетларнинг Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетларининг мустақиллиги коэффиценти бўйича тоифаланиши¹⁹

Шу муносабат билан, фикримизча, бу муаммони ҳал этишнинг самарали чораларидан бири бу маҳаллий бюджетларнинг ўз маблағларини, хусусан бевосита ўз (доимий) солиқларини кўпайтиришидир. Боз устига, солиқнинг қуйи бюджетга бириктирилиши ҳудудий мансублик, мақсадга йўналтирилганлик принципларига жавоб бериши ва энг муҳими, тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосга эга бўлиши керак. Шу сабабли бизнингча, мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган даромад солиғини маҳаллий бюджетларга бириктириш маҳаллий бюджетларнинг ўз манбаларини мустаҳкамлашга қаратилган чора ҳисобланади.

Ҳудудий мансублик принциpidан ва тўловчининг ушбу ҳудудда жойлашганлигидан келиб чиқиб, ушбу солиқ маҳаллий бюджетларга тўланиши керак. Ушбу солиқ тури бўйича тушумлар қуйидаги динамикага эга бўлган (1-жадвал).


¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тузилган.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари учун солиқ бўйича тушумлар динамикаси²⁰

Солиқ номи	Йиллар				
	2015	2016	2017	2018	2019
Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадлари учун солиқ бўйича тушумлар, млн. сўмда	5482,3	6947,7	16320,6	26756,3	125425,3
Ўсиш суръати, базавий 2015 йилга нисбатан, фоиз ҳисобида	x	116,54	249,26	382,87	1921,08
Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, фоиз ҳисобида	x	116,54	213,89	153,60	501,75

Ушбу таклифни амалга ошириш натижасида 2019 йилда солиқларнинг мазкур туридан тушумлар кескин ошди ва 125 425 3 млн. сўмни ташкил этди, бу эса 2018 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 3,8 баравар ва 2015 йилги кўрсаткичларга нисбатан 19,2 баравар кўпдир. Ушбу солиқдан тушадиган даромадлар ҳажмига оид кўрсаткичларнинг сезиларли даражада ошиши қуйидагилар орқали таъминланди: ушбу солиқ йиғилишини янги жорий қилинган интерактив электрон хизмат – кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини электрон шаклда ҳисобга олиш ва тўлов хабарномаларини шахсий кабинетга юбориш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетлар даромадларини кўпайтиришдан манфаатдорлигини ошириш, энг кам ижара ҳақи миқдорларини ошириш, солиқ солишнинг бир текис шкаласига ўтиш, ижара шартномаларини расмийлаштирмаганлик учун маъмурий жарималарни кўпайтириш.

Қуйидаги расмда 2019 йилда ҳудудлар кесимида жисмоний шахсларга мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солинадиган солиқ бўйича маҳаллий бюджетларга тушумлар ҳажми келтирилган (5-расм).



5-расм. 2019 йилда жисмоний шахсларга мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга солинадиган солиқ бўйича маҳаллий бюджетларга тушум ҳажмлари (млрд. сўм)²¹

²⁰ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тузилган.

²¹ Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

5-расмдан кўришиб турибдики, мол-мулкни ижарага беришдан тушадиган даромад солиғи бўйича барча даромадларнинг тахминан 49 фоизи Тошкент шаҳри ҳисобидан таъминланган. Ушбу солиқ маҳаллий даражага ўтказилиши туфайли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тушумларни кўпайтиришдан манфаатдор бўлади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантириш усуллари билан бир қаторда, маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмини амалга оширишга хизмат қиладиган усуллар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Маҳаллий бюджетлар харажатлари кўрсаткичлари маҳаллий бюджетлар харажатларининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улуши нисбатан юқори эканидан дарак беради. Таҳлил қилинаётган даврда харажатлар улушининг ўртача кўрсаткичи 38,5 фоизни ташкил этди (2020 йилда – 29,1 %). 2020 йилда ўтган йилга нисбатан мутлақ миқдорларнинг ҳам пасайиши кузатилмоқда. 2019 йилда харажатларнинг ўсиш суръати 2016 йилга нисбатан 1,9 бараварни, 2020 йилда эса 2016 йилга нисбатан 1,7 бараварни ташкил этди²². 2020 йилда «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонун асосида таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетига ўтказилди, бу эса маҳаллий бюджетлар харажатларининг камайишига хизмат қилган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий бюджетларни тартибга солиш усуллари**ни такомиллаштириш йўллари» номли учинчи бобда бюджетни тартибга солишнинг амалдаги тизими бўйича ўтказилган тадқиқот давомида аниқланган муаммолар келтирилган, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ижроси нуқтаи назаридан бюджетни тартибга солишнинг амалдаги усуллари такомиллаштириш йўллари асослаб берилган.

Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришнинг хорижий ва маҳаллий тамойилларини, унитар давлат сифатида Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилишининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, икки даражали маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими фаолиятининг жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш асосида маъмурий-худудий бирликларнинг (туманлар ва шаҳарлар) қуйи (бошланғич) маҳаллий бюджетларининг солиқ тушумларини «битта солиқ – битта бюджет» принципи бўйича шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Жадал урбанизация жараёнлари шароитида норуда қурилиш материалларидан қурилиш соҳасида, хусусан, саноат мажмуалари, автомобиль ва темир йўл инфратузилмаси, кўприklar, темир-бетон конструкцияларни қурилишида кенг фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш мақсадида ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларни тўлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетларга ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича ушбу чора-тадбирлар натижасида 2019 йилда 250 млрд. сўм миқдоридagi қўшимча маблағлар йўналтирилди.

²² Муаллиф томонидан Молия вазирлигининг маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

Шундай қилиб, 2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бюджетлари даромадларининг ижроси натижаларига кўра, ушбу турдаги даромадлардан маҳаллий бюджетларга тушумлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

2016-2020 йилларда норуда қурилиш материалларидан олинадиган солиқ бўйича маҳаллий бюджетлар даромадларига тушумлар миқдори²³

Т/р	Даромад номи	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
1.	Республика бюджетига тушумлар ҳажми (млрд. сўмда)	4,6	9,5	25,0	х	х
2.	Маҳаллий бюджетларга тушумлар ҳажми (млрд. сўмда)	х	х	х	253,1	175,8
3.	Тошкент вилоятининг вилоят бюджети даромадлари таркибида тушумлар ҳажми (млрд. сўмда)	х	х	х	8,8 (0,23%)	29,1 (1,4%)
4.	Тошкент вилоятининг даромадлари ҳажми (млрд. сўмда)	х	х	х	3721,5	2105,8

2019 йил 1 январдан бошлаб ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари оширилди ва ушбу чора билан бирга цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқариш учун оҳақтошдан ташқари айрим норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бириктириш таклифи ҳам амалга оширилди. 2019-2020 йиллардан буён ушбу умумдавлат солиғи туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

